



**“ЁШЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН
ЖИНОЯТЛАРНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИНСТИТУЦИОНАЛ
ТИЗИМ САМАРАДОРЛИГИ: ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР ВА
МАҲАЛЛАЛАРДА ХАВФСИЗ МУҲИТ ЯРАТИШ МЕХАНИЗМИ”**

Ўрақов Жасур Рустамалиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси катта
ўқитувчиси, майор.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.20430910>

Аннотация: Ушбу мақолада ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг барвақт олдини олишда мавжуд институционал тизимнинг самарадорлиги комплекс таҳлил қилинган. Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш бўйича янгича ёндашувлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик механизмлари ҳамда профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Шунингдек, ёшлар жиноятчилигига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш ва маҳаллабай ишлаш тизими орқали уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ёшлар жиноятчилиги, барвақт олдини олиш, институционал тизим, маҳалла, хавфсиз муҳит, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, янги ёндашувлар, ҳамкорлик механизми, ижтимоий профилактика.

Contact: 99 826 99 56





EFFECTIVENESS OF THE INSTITUTIONAL SYSTEM IN THE EARLY PREVENTION OF CRIMES COMMITTED BY YOUTH: NEW APPROACHES AND THE MECHANISM FOR CREATING A SAFE ENVIRONMENT IN MAHALLAS

Abstract: This article provides a comprehensive analysis of the effectiveness of the existing institutional system in the early prevention of crimes committed by youth. It highlights new approaches to forming a safe environment in mahallas, the mechanisms of mutual cooperation between law enforcement agencies and public organizations, and issues of improving preventive measures. Furthermore, scientifically grounded proposals and recommendations have been developed to eliminate the factors contributing to youth criminality and to provide them with social support through the neighborhood (mahalla-based) work system.

Keywords: youth crime (juvenile delinquency), early prevention, institutional system, mahalla, safe environment, crime prevention, new approaches, cooperation mechanism, social prevention.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ В РАННЕМ ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШАЕМЫХ МОЛОДЕЖЬЮ: НОВЫЕ ПОДХОДЫ И МЕХАНИЗМ СОЗДАНИЯ БЕЗОПАСНОЙ СРЕДЫ В МАХАЛЛЯХ

Аннотация: В данной статье проводится комплексный анализ эффективности действующей институциональной системы в раннем предупреждении преступлений, совершаемых молодежью. Освещены новые подходы к формированию безопасной среды в махаллях, механизмы взаимодействия правоохранительных органов и общественных организаций, а также вопросы совершенствования профилактических мер. Кроме того, разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по





устранению факторов, способствующих молодежной преступности, и их социальной поддержке через систему работы «в разрезе махалли».

Ключевые слова: молодежная преступность, раннее предупреждение, институциональная система, махалля, безопасная среда, профилактика правонарушений, новые подходы, механизм сотрудничества, социальная профилактика.

Бугунги кунда ёшлар жиноятчилиги жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Ёшларни тўғри тарбиялаш бугунги глобаллашган, суний интеллект тобора ривожланиб бораётган даврнинг асосий масалаларидан бири бўлиб бормоқда.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида гапиришдан олдин жадид маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониёнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” дея айтиб ўтган сўзларини эслашимиз лозимдир. Чунки ёшларнинг жиноятга қўл уриши тарбияда йўл қўйилган хато ва камчиликлар, бефарқлик ва маъсулиятсизларнинг натижаси сифатида юзага келади.

Глобаллашув, рақамли технологиялар ривож, ижтимоий тармоқлар таъсирининг кучайиши ёшлар дунёқараши, хулқ-атвори ва ижтимоий фаоллигига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу эса айрим ҳолатларда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноят хавфини оширмоқда.

Ўзбекистонда ёшлар аҳолининг катта қисмини ташкил этиши мазкур масалани давлат сиёсати даражасига олиб чиққан. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёшларни қўллаб-қувватлаш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Сўнгги йилларда ёшлар жиноятчилигини камайтириш мақсадида жазолашдан кўра барвақт профилактика, ижтимоий реабилитация, маҳаллабай





ишлаш ва манзилли ёндашув тамойиллари устувор бўлмоқда. Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мазкур ҳолат биргина ҳуқуқий омил билан эмас, балки ижтимоий, иқтисодий, психологик, маънавий ва институционал муаммолар йиғиндиси натижасида юзага келмоқда. Ёш шахс жиноят содир этгунга қадар маълум бир салбий муҳит, назоратсизлик ёки ижтимоий муаммолар таъсирида шаклланади.

Шу нуқтаи назардан ёшлар жиноятчилигининг қуйидаги асосий омилларини ажратиш мумкин; нотинч оила муҳити, ота-оналарнинг меҳнат миграциясига кетиши, таълимдан узилиш, ишсизлик, интернет орқали салбий таъсир, гиёҳвандлик ва алкоголизм, психологик муаммолар, маҳалла ва таълим муассасалари назоратининг суғлиги.

Юқоридаги омиллар ёшларни **хавф гуруҳига** киритувчи асосий индикаторлар ҳисобланади. Бу каби омиллар ёшларнинг жиноят содир этиш эҳтимолини оширмоқда.

Ўзбекистонда ёшлар ўртасида жиноятчиликни барвақт олдини олиш бўйича муайян институционал тизим шаклланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, маҳалла фуқаролар йиғини, таълим муассасалари, Ёшлар ишлари агентлиги, соғлиқни сақлаш муассасалари, бандлик органлари ҳамда ижтимоий хизмат субъектлари иштирок этмоқда. Мазкур субъектларнинг ҳар бири ёшлар ҳуқуқбузарлигини олдини олиш жараёнида алоҳида функционал вазифага эга ҳисобланади. **Жумладан, ички ишлар органлари** ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, профилактик ҳисобда турувчи ёшлар билан ишлаш, криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажаради. *Маҳалла институти* эса оилавий муҳитни ўрганиш, ижтимоий назоратни амалга ошириш, нотинч оилаларни аниқлаш ва аҳоли билан манзилли ишлашда муҳим ўрин тутади. *Таълим муассасалари* ёшларнинг давомати, маънавий-





ахлоқий тарбияси, психологик ҳолати ва девиант хулқ белгиларини эрта аниқлаш вазифасини бажаради. *Соғлиқни сақлаш тизими* ёшлардаги руҳий саломатлик, гиёҳвандлик, алкоголизм ва бошқа тиббий-ижтимоий хавф омилларини бартараф этишга хизмат қилади. *Ижтимоий хизматлар* эса кам таъминланган, ижтимоий хавф гуруҳига кирувчи оилалар билан ишлаш орқали профилактик функцияни амалга оширади.

Бироқ амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки; мазкур институтлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўп ҳолатларда тизимли эмас, балки парчаланган характерга эга. *Биринчи навбатда*, ягона ахборот алмашинув платформасининг мавжуд эмаслиги сабабли бир ташкилотда мавжуд маълумот бошқа субъектларга ўз вақтида етказилмайди. Масалан, мактаб томонидан мунтазам дарс қолдираётган ёки агрессив хулқ намоён этаётган ўқувчи ҳақидаги маълумот маҳалла ёки профилактика инспекторига кечикиб етиб боради.

Иккинчидан, масъулиятнинг аниқ тақсимланмаганлиги такрорий функцияларни юзага келтирмоқда. Айрим ҳолатларда бир ёш билан бир вақтнинг ўзида маҳалла, мактаб, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори алоҳида иш олиб боради, лекин бу ишлар ягона режа асосида мувофиқлаштирилмайди.

Учинчидан, мавжуд тизим асосан реактив характерга эга бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин фаоллашади. Ваҳоланки, замонавий криминологияда барвақт профилактика механизми устувор ҳисобланади.

Тўртинчидан, маҳаллаларда янги урбанизация жараёнлари, кўп қаватли уйлар сонининг ортиши, ички миграция, вақтинчалик ижара муносабатлари каби янги ижтимоий воқеликларга мос профилактика моделлари етарли даражада шаклланмаган.





Бешинчидан, ёшлар билан ишлашда психологик хизматлар, рақамли мониторинг, криминологик прогноз қилиш каби замонавий воситалар етарли эмас.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, Сингапур, Япония ва Германия каби давлатларда ёшлар жиноятчилигини олдини олишда “multi-agency cooperation” модели қўлланилиб, барча субъектлар ягона рақамли тизим ва умумий профилактик режа асосида ишлайди.

Тадқиқот натижалари шуни ҳам кўрсатдики, мамлакатда ёшлар жиноятчилигини олдини олиш бўйича муайян институционал тизим шаклланган бўлса-да, унинг самарадорлиги идоралараро координациянинг етарли эмаслиги, ягона ахборот платформасининг мавжуд эмаслиги, профилактиканинг кўпроқ реактив хусусиятга эгалиги ҳамда янги урбанизация жараёнларига мос механизмларнинг етишмаслиги билан чекланмоқда.

Шу боис, ёшлар жиноятчилигини камайтиришда жазолашдан кўра барвақт профилактика, ижтимоий реабилитация ва рақамли мониторингга асосланган интеграциялашган “маҳалла – мактаб – ички ишлар – тиббиёт – ижтимоий хизмат” модели асосида ягона координацион механизм яратиш зарур ҳисобланади. Бу эса ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг сабабларини эрта аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали жамият хавфсизлигини таъминлашда ёшлар жиноятчилигини оқибат билан эмас, балки уни келтириб чиқарувчи омиллар билан курашиш имконини беради.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2023. – 40 б.





2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ўқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.01.2022 й., 07/22/92/0042-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
6. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992. – 160 б.
7. Исмоилов И. ва бошқ. Ўқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 340 б.
8. Зиёдуллаев М.З. Вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигининг олдини олишнинг криминологик муаммолари: Монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2018. – 210 б.
9. Фазилов Ф.М. Жамиятда хавфсиз муҳитни яратишда маҳалла институтининг роли: ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлар // “Жамият ва бошқарув” журнали. – Тошкент, 2022. – № 3. – Б. 45-52.
10. Crawford, A., & Evans, K. (2012). Crime prevention and community safety. In *The Oxford Handbook of Criminology*. Oxford University Press. (Хорижий давлатларда "multi-agency" ҳамкорлиги бўйича).





SCIENTIFIC CONFERENCE OPEN PROCEEDINGS

Global Academic Knowledge Repository



11. Rosenbaum, D. P. (2002). Evaluating multi-agency anti-crime partnerships: Theory, design, and measurement issues. *Crime Prevention Studies*, 14, 171-225.

Contact: 99 826 99 56

